



## НЕМИС ТИЛИДА VOR ПРЕДЛОГИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

*Д. М. Рахмонкулова*  
*ЧОТҚМБЮ Тиллар кафедраси*  
*доценти, н.ф.ф.д (PhD)*

**Annotation.** This article is about the preposition -vor which is mostly used in German language. There are some information about lexical and semantic features of the preposition -vor. The data given in scientific sources on preposition -vor in grammar is explained by several examples.

**Key words:** lexical meaning, auxiliary words, polysemy, application methods, case forms, wide and narrow meaning, repeatability, observation, primary speech.

**Аннотация.** Эта статья о предлоге -vor, который чаще всего используется в немецком языке. Имеются некоторые сведения о лексико-семантических особенностях предлога -vor. Данные, приведенные в Научные источники о предлоге -vor в грамматике поясняются несколькими примерами.

**Ключевые слова:** лексическое значение, вспомогательные слова, полисемия, приемы применения, падежные формы, широкое и узкое значение, повторяемость, наблюдение, первичная речь.

**Аннотация.** Ушбу мақола асосан немис тилида ишлатиладиган -vor предлоги ҳақида -vor предлогнинг лексик ва семантик хусусиятлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Берилган маълумотлар грамматикада -vor предлогига оид илмий манбалар бир қанча мисоллар билан изоҳланади.

**Калит сўзлар:** Луғавий маъно, ёрдамчи сўзлар, кўп маънолик, қўланиш усуллари, ҳол шакллари, кенг ва тор маъно, такрорийлик, кузатиш, бирламчи нутқ

Ҳозирги замон немис тили фанида vor предлогининг асосий вазифаси нарса-предметнинг ўрнига, жойига нисбатан ҳолати, вақти ҳақида, мавҳум тушунчаларни ифодалашда қўлланилади. Грамматик адабиётларда vor предлоги ҳақида қуйидаги маъноларни билдириши келтирилади: vor предлоги предметга нисбатан жойлашуви, вақтга нисбатан воқеа ҳодисанинг бажарилиши каби маъноларда ва ўз навбатида жўналиш келишиги (Dativ) ёрдамида абстракт тушунчаларни ифодалаб келади. Шу билан бирга vor предлоги жўналиш (Dativ) келишиги ва тушум (Akkusativ) келишигида қўлланилишини ҳисобга олсак, кўп маъноли предлог эканлигига шубҳа қолмайди. Ушбу мақоламизда vor предлоги билан ясалган бир қатор мисоллар ёрдамида унинг қандай маънолар касб этишини кўриб чиқамиз.

1. Ўрин маъносини ифодалайди: бу жихатдан vor предлоги асосий маъно касб этади. Масалан: ein Haus vor (bei) Samarkand —дом под Самаркандом||



мазкур бирикма ўзбек тилига «Самарқанд яқинидаги уй» деган маънони англатади. Mann stellte den Stehl vor das Fenster – Стулни дераза ёнига қўйишди. Der Stuhl vor dem Fenster –стул дераза ёнида турибди. Vor dem Fenster sitzen – дераза олдида ўтирмақ[Съеден 1963: 333].

2. Вақт маъносини ифодалашда vor предлоги қуйидаги маъноларни англатиб келади ва иш ҳаракатнинг муайян бир вақт ичида амалга оширилишини назарда тутаяди. Масалан: vor unserer Zeitrechnung – эрамиздан аввал, —vor dem Unterricht- дарсдан олдин; vor Sonnenaufgang- қуёш чиқишидан олдин(қуёш чиқиш пайти, тонг); fünf Tage vor seinem Urlaub- таътилдан 5 кун илгари; vor

vielen Jahren – кўп йиллар олдин (аввал). Бундан ташқари «vor» предлоги соатнинг аниқ бир вақтини англатишда хизмат қилади. Масалан: Es ist 20 Minuten vor acht – 20 та кам 8. Шу билан бирга жўналиш келишиги билан vor предлоги (vor +Dativ) вақтни кўрсатиш чоғида қуйидагича ифодаланиши мумкин. vor einem Monat - бир ой олдин; vor einer Woche – бир ҳафта аввал; vor einem Jahr – бир йил олдин; vor drei Monaten – уч ой олдин; vor drei Wochen – уч ҳафта олдин; vor drei Jaren – уч йил аввал.

3. Vor предлоги маълум бир шахс ёки гуруҳни англатувчи сўзлар билан бирга иш ҳаракат юз бераётганлигини ифодаласа оммавийлик, очиклик каби хусусиятларни номоён этиб келади. Мисол учун суд олдида ҳозир бўлмоқ, тингловчилар олдида чиқиш қилмоқ, бировга сирини айтмоқ ёки юрагини очмоқ каби ҳаракатларни ифодалаш мумкин. Масалан: vor aller Ohren – ҳамманинг олдида; vor aller Augen – ҳамманинг кўз олдида; vor aller Leuten – ҳалқ олдида; vor Gericht – суд олдида; Der Vater lobte mich vor meinem Bruder - Отам акам олдида мени мақтади. Vor aller Ohren bekunden die Freunde ihre einige Traum zueinander – ҳамма олдида дўстлар орзу-хавасларини айтаяптилар[Съеден1963: 334].

4. Vor предлоги орқали шахс ёки предмет маълум бир тўсиқлар натижасида ҳаракатини тўхташини ифодалайди ва бундай ҳолатларни қуйидаги мисолларда кўриб чиқишимиз мумкин. Vor Scharm – уятдан; vor Kummer – ғам аламдан. Sie würde sich auch vor den Verwandten genießen– У

қариндошларидан ҳам уяларди. Unserer Jugend ist es eigen vor keinen Schwierigkeiten den Mut sinken zu lassen – Бизнинг ёшлар бошқача, улар қийинчиликлардан(олдида) руҳини туширмайдилар.

5. Vor предлоги ҳис-ҳаяжонни ифодалаб, воқеа ходиса ёки ички ҳис туйғуларни ифодалашда ҳам қўлланилади. Бунда жўналиш келишиги ёрдамида қўлланилиб, асосан абстракт отлар билан ишлатилади. Масалан: vor dem Angst – қўрқувдан; vor der Kälte– совуқдан; vor der Erregung – ҳаяжондан; vor der Freude – севинчдан, қувончдан; vor der Furcht – қўрқувдан. Vor diesem Lärm flieht sie in ihr Zimmer – шовқин -сурондан у хонасига югурди. Sie schreckt etwas vor der Helle zurück – У ёруғдан бир оз қўрқаяпти [Saidov 2003: 289].



6. Предметларни бир-бирига қиёслаш ёки таққослашда ҳам vor предлогини қўллаш мумкин. Бунда предмет ёки шахс ўзининг хусусиятларидан келиб чиқиб, бошқа предмет ёки шахсга нисбатан қиёсланади ёки солиштирилади. Масалан: Seine Arbeitslust zeichnet ihn vor aller anderen Studenten aus – Унинг иши бошқа талабаларга ўрناق бўлди [Лепинг 1969: 550].

Бундан ташқари vor предлоги кўчма маънода ҳам қўлланилади. Мазкур ҳолатда ифодаланаётган маъно кўчма оҳанг ёрдамида берилади. Масалан: Jetzt horchten sie alle auf Geräusche vor der Tür. Ҳозир уларнинг ҳаммаси эшик тарафдан шовқин-суронларни эшитдилар. Es wurde ihm Schwarz vor den Augen. Унинг кўзи қоронғилашди. Er steht vor einer schweren Wahl. У битимга келолмас эди ёки У оғир аҳволда қолган эди. Er sah seine Kinder vor der Nase – Болалари кўзига кўриниб кетди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тилнинг ҳар бир унсури ўзига хос ўринига эгадир. Vor предлоги ҳам бундан мустасно эмас. Биз кўриб чиққан мисоллар ёрдамида vor предлогининг баъзи

жиҳатларини ёритдик. Аммо бадий адабиётда ёки сўзлашув услубида бу каби мисолларни кўплаб учратиш мумкин ва бу мавзуга яна қайтамиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Лепинг Е.И. и Страхова А.П. и др. —Немецко-русский словарь. 80 000 слов. Изд. Четвертых изд. в советская. Энциклопедия. Москва 1969 г. ст. 550-551.
2. Saidov S. „Deutsche Grammatik in Übungen—“. Toshkent 2003 y. 288-294 bb.
3. Съеден В.Н. «Предлоги немецкого языка издательства «Высшая школа» Москва 1963 г. ст. 333-